

PhD Нодира САФАРОВА

Тошкент молия институти

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, уларни солиққа тортишни назарий ва ҳуқуқий асослари, хусусиятлари тадқиқ этилган. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартибдаги ўзгаришларга баҳо берилган, яқка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортишни такомиллаштиришга доир муаллифнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Таянч сўзлар: хусусий тадбиркорлик, яқка тартибдаги тадбиркор, солиққа тортиш, қатъий белгиланган солиқ.

THEORETICAL AND LEGAL BASIS FOR TAXATION OF INDIVIDUALS CARRYING OUT BUSINESS ACTIVITIES

Abstract. The article explores the theoretical and legal foundations, as well as the features of the taxation of individuals engaged in entrepreneurial activities. As part of the concept of improving tax policy, an assessment is made of changes in the procedure for taxing individuals engaged in entrepreneurial activities, and the author's views on improving the taxation of individual entrepreneurs are given.

Key words: private entrepreneurship, individual entrepreneur, taxation, flat tax.

Кириш

Республикада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг назарий ва амалий жиҳатлари иқтисодчи олимлар ва амалиётчилар томонидан солиқ тизимининг нисбатан кам тадқиқ қилинган соҳаларидан бири ҳисобланади. Тадқиқот натижалари бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатди:

жисмоний шахсларнинг муайян фаолиятлари натижасида олган даромадларини тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар сифатида эътироф этилиши ва уларни солиққа тортиш тизимининг янги бўлганлиги;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими кўп йиллар давомида деярли ўзгармаганлиги (қатъий белгиланган солиқ ставкаларидан ташқари);

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан тўланган қатъий белгиланган солиқнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улушининг камлиги ва бошқалар.

Шунга қарамасдан, солиқ қонунчилиги ва амалиётида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ўзига хос тизими яратилиб, йиллар давомида қўлланилиб келинди. Лекин уларни солиққа тортишга доир бу ёндашув охир-оқибат солиққа тортишнинг жаҳон амалиётида синалган тамойилларини бузилишига олиб келди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилингунга қадар амалда бўлган тизими ўз олдига қўйилган вазифаларни деярли бажара олмай қолди. Натижада, уларни солиққа тортиш тизимини тубдан қайта ташкил қилиш зарурати юзага келди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш масалалари хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан муайян даражада тадқиқ этилган.

Дунёнинг нисбатан самарали солиқ тизимига эга бўлган давлатларидан бири Германия ҳисобланади. “Германия бюджетининг солиқ тушумлари миқдорида жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар муҳим ўринни эгаллайди. Фақатгина даромад солиғи барча солиқ тушумларининг 40 фоизини ташкил этади. Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари даромад солиғининг объектларидан бири сифатида қаралади” [9].

Иқтисодчи-олим Я.Митрюшкин якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишни тадқиқ этиб, “соддалаштирилган солиқ тизимининг мукамал эмаслигини, патент нархи якка тартибдаги тадбиркор учун белгиланган барча солиқлар йиғиндисининг ўрнини босмаслиги, фақатгина даромад солиғини тўлаш ўрнини босишини, бу ҳолат солиққа тортишнинг замонавий хорижий тажрибаси ва тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадларни солиққа тортиш тамойилларига тўғри келмаслигини қайд этган” [10].

И.Золотерева ҳам ўз тадқиқотларида “якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларини солиққа тортишни тадқиқ этиб, солиқларни тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсирига баҳо берган ва солиқлар воситасида уларни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлайди”[8].

С.Шахбанова “якка тартибдаги тадбиркорларни солиқлар воситасида тартибга солиш механизмини, уларни солиққа тортишда муқобил солиқ режимларини илмий-методологик жиҳатларини тадқиқ этиб, афзалликлари ва камчиликларини кўрсатиб берган”[13].

Россия Федерацияси солиқ қонунчилигида якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортишнинг бир нечта режимлари амал қилади. “Якка тартибдаги тадбиркор бизнесни очишдан олдин солиққа тортиш режимларининг шартлари билан тўлиқ танишиши, уларнинг ҳар бирини камчиликлари ва афзалликларини таҳлил қилиши керак. Бунда амалга ошириладиган фаолият турини ҳисобга олиш керак, чунки кўплаб режимлар фақат айрим турларга мос келади. Солиқ режимини танлашда солиқ ставкаси билан бирга, солиқ солиш объектига ҳам эътибор қаратиш зарур. Чунки кўп нарса солиқ солиш объектига боғлиқ”[7].

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти ва уларни солиққа тортишга доир хориж иқтисодчилари фикр-мулоҳазаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу борада бир бирига ўхшаш тизим ва ёндашув мавжуд эмас.

Республикада сўнгги йилларда солиқлар ва солиққа тортишга доир изланишлар олиб борган иқтисодчи-олимлар тадқиқотларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишга доир масалалар ўрганилган. Жумладан, Ж.Урмонов тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солиш масалаларини тадқиқ этиб, “Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида, якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларга ходимларни шартнома асосида ишга ёллаш ҳуқуқини бериш ва уларга солиқларни тўлашда имтиёзлар жорий этиш”[14] ни таклиф этган.

Иқтисодчи-олим И.Ниязметов даромадларни солиққа тортиш тизимини унификациялашни тадқиқ этиб, солиқ концепцияси қабул қилинишидан олдинги даврда солиққа тортиш тизимларини мураккаблашиб кетганлигини таъкидлайди. “ҚБС ва ЯСТ тадбиркорлик фаолиятининг рентабеллик даражаси, янгидан яратган (қўшилган) қиймати, олган даромади ёки фойдасини ҳисобга олишга қодир эмаслиги сабаб, уларнинг ставкаларини фаолият турлари ва ҳудудларига қараб тахминий ҳисоб-китоблар асосида табақалаштиришдан ўзга илож йўқ. Бироқ, бундай тахминий ҳисоб-китоблар асосида ўрнатиб келинаётган ҚБС ва ЯСТ ставкалари тадбиркорлик субъектларига тенг рақобат шароитини таъминлаш нуктаи назаридан ҳам, солиқ тўловчиларни солиққа тортиш нуктаи назаридан ҳам адолат принципининг ҳар томонлама бузилишига сабаб бўлиб келмоқда”[11]. Шунингдек, у ўз тадқиқотларида қатъий белгиланган солиқ бўйича қуйидаги фикрларни келтириб ўтган: “даромадни солиққа тортишнинг прогрессив механизми фақат ёлланиб ишловчиларга амал қилади. Яъни, бундай фуқаролар даромади кўпайгани сайин солиқ юки ортиб боради. ЯТТлар даромадини солиққа тортиш ва ҚБС ҳисобига регрессив тус олиб, уларнинг даромади қанчалик кўпайиб борса, солиқ юки шунчалик камайиб боради”[12].

Юқоридаги иқтисодчи-олимларнинг илмий изланишларида айнан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа

[International Journal of Finance and Digitalization](http://www.ijfd.uz)
[Email: ijfd.uz@gmail.com](mailto:ijfd.uz@gmail.com)

тортиш тартибига доир муаммоларга кенг эътибор қаратилмаганлиги, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг солиқ тўловчилар фаолиятига таъсири танқидий жиҳатдан ўрганилмаганлиги ушбу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини тақозо этади.

Таҳлил ва натижалар

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг моҳияти бевосита уларнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунида тадбиркорлик фаолияти тушунчасига таъриф берилган, яъни “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир”[2].

Шунингдек, ушбу қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектларига тўхталиб ўтилган, яъни “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир”[2]. Демак, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар деганда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, даромад (фойда) олиш мақсадида қонунда белгиланган турдаги фаолият билан шуғулланаётган шахслар тушунилади.

Шунингдек, мазкур қонунда “жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги шаклларида амалга ошириши мумкин”[2] лиги кўрсатилган.

Шу жиҳатдан олиб қараганда жисмоний шахсларни тадбиркорлик фаолияти нафақат якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти, шу билан бирга унинг бошқа шакллари мавжудлиги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сон қонунига асосан: “Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир”[3].

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик шакли кенг ривожланган бўлиб, юқорида қайд этилганидек, оила аъзоларининг биргаликдаги фаолияти сифатида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунига асосан: “Деҳқон хўжалиги мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш

ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир”[1].

Мазкур қонунда деҳқон хўжалигининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Деҳқон хўжалиқлари аҳолининг фаровонлигини оширишда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан аввало ўзини, қолаверса ортган қисми билан бошқаларни ҳам таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Қонунчиликка кўра. “Деҳқон хўжалигининг фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳам, юридик шахс ташкил этмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин”[1].

Демак, юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда фаолият олиб боровчи деҳқон хўжалигининг фаолияти жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолияти сифатида эътироф этилади.

Ҳунармандчилик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар ҳам тадбиркорлик субъекти сифатида қаралади.

Республика солиқ қонунчилигида юқорида келтириб ўтилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими мавжуд бўлиб, бу борада сўнгги йиллардаги ўзгаришлар уларни солиққа тортишни илмий-назарий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш заруратини тақазо этади.

Солиқ қонунчилиги ва амалиётида жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти борасида энг кўп ишлатиладиган ибора – бу якка тартибдаги тадбиркор тушунчасидир. Якка тартибдаги тадбиркорлар микрофирмалар ва кичик корхоналар билан бирга кичик тадбиркорлик субъектлари сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 31-моддасида якка тартибдаги тадбиркор тушунчасига қуйидагича таъриф берилган. “Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланади”[4].

Бугунги кунда мамлакатда тадбиркорлик фаолияти ва уни солиққа тортишнинг ҳуқуқий-иқтисодий тизими тобора мустаҳкамланмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда бу жараёнга алоҳида эътибор қаратилди. Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш бу - давлат бюджети даромадларини шакллантириш мақсадида жисмоний шахсларнинг қонунда белгиланган тадбиркорлик фаолияти турлари билан шуғулланиши натижасида оладиган даромадларини белгиланган солиқ ставкасига мувофиқ қисмини бюджетга ундиришдир.

Шу ўринда жисмоний шахсларнинг фаолият кўрсатиши мумкин бўлган қонунда белгиланган тадбиркорлик фаолияти турлари борасида тўхталиб ўтиш лозим. Мамлакатимиз қонунчилигида жисмоний шахсларни юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатиши мумкин бўлган фаолият турлари белгиланган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу рўйхатга киритилган фаолият турлари юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сон қарори ва унга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати келтирилган[6]. Жисмоний шахслар юқоридаги қарорда келтирилган фаолият турлари бўйича белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб даромад олишлари мумкин. Ушбу фаолият турлари 4 та йирик гуруҳга бўлинади (1-расм).



1-расм. Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари¹

Мазкур қарорда чакана савдо фаолиятининг 5 та тури келтирилган. Уларга озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш, кўчма савдо объектларида аралаш чакана савдо қилиш, деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш, газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш, товарларни импорт қилиш ва улар билан чакана савдо қилиш кабилар киради.

Қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича хунармандчилик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ енгилликлари назарда тутилган.

¹ Муаллиф томонидан тузилган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сон фармонида республикамизда миллий хунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини (кейинги ўринларда хунармандчилик деб аталади) янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланган ва “Хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, хунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар (иш, хизмат кўрсатиш) турларининг рўйхати” тасдиқланган. Мазкур рўйхатда хунармандчилик фаолиятининг 34 та асосий йўналишлари белгиланган[5].

Сарторошлик хизматлари, поябзал таъмирлаш, гулчамбарлар тайёрлаш, оилавий меҳмон уйлари каби 32 та турдаги маиший хизмат турларига якка тартибда тадбиркор сифатида фаолият кўрсатишга рухсат берилган.

Шунингдек, фаолиятнинг бошқа 50 та тури белгиланган бўлиб, уларга миллий нон ва патир тайёрлаб сотиш, репетиторлик хизматлари, компьютер ўйинларини ташкил этиш, суғурта агентлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар, юкларни автомобиль автотранспортида ташиш кабилар кирази.

2019 йилга қадар амалда бўлган солиқ қонунчилигига мувофиқ барча якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тўладилар. Қатъий белгиланган солиқ муайян фаолият тури ва фаолиятни амалга ошириш жойига қараб табақалашган миқдорда қатъий сўмда белгиланган (дастлабки йилларда бу миқдор энг кам иш ҳақиға қаррали миқдорда белгиланган). Натижада, улар тўлаган солиқ миқдори оладиган даромадига умуман боғлиқ бўлмаган. Иқтисодчи И.Ниязметов ўз тадқиқотларида бу борада тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдирган: “бир хил фаолият тури билан шуғулланувчи фуқаролар ҳатто бир хил даромадга эга бўлганлари тақдирда ҳам фақатгина фаолият ҳудуди сабабли турлича солиқ юкига эга бўлади” [15].

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилиниши натижасида, якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиққа тортишнинг 3 хил тартиби белгиланди. Уларнинг қай бирини танлаш якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, унинг йиллик товар айланмаси асосида белгиланди. Бунинг натижасида, якка тартибдаги тадбиркорларнинг солиқ мажбуриятлари муайян даражада уларнинг даромадлилик даражасига боғлиқ қилиб қўйилди.

Хулоса

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиниши ва 2020 йил 1 январдан эътиборан амалда қўлланилиши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимига ҳам муайян ўзгаришлар киритди. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун “қатъий белгиланган

[International Journal of Finance and Digitalization](http://www.ijfd.uz)
[Email: ijfdnz@gmail.com](mailto:ijfdnz@gmail.com)

солиқ” ўрнига “жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдори” белгиланди. Бунда якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган солиқ номи ўзгарган бўлсада, олдинги тартиб деярли ўзгармагани ҳолда, солиқ кодексида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи таркибига киритилган. Лекин, якка тартибдаги тадбиркорларнинг йиллик товар айланмасидан келиб чиқиб, қатъий белгиланган миқдорда солиқ, айланмадан олинадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлаш мажбуриятининг белгиланиши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимида кескин ўзгаришлар кузатилганлиги билан тавсифланади. Якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортишнинг амалдаги тартиби улар тўлайдиган солиқларни моҳияти ва аҳамиятини ошишига олиб келди.

Жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларни қайд этилмаслиги, бундай даромадларни солиққа тортиш тартиблари турличалиги билан изоҳлансада, жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобга олиниши керак. Йиллар давомида жисмоний шахслар даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар мунтазам равишда ортиб бормоқда. Шу боис, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олаётган даромадларини солиққа тортишга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Узоқ йиллар давомида якка тартибдаги тадбиркорлар тўлаган қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик субъектларининг даромадлилик даражасидан қатъий назар фаолият тури ва фаолият кўрсатган жойига қараб табақалашган тарзда қатъий суммада белгиланиб, солиққа тортишнинг адолатлилиқ тамойилини ўзида мужассам этмаганлиги охир-оқибат ундан қисман воз кечишга олиб келди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 1 апрелдаги “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги ЎРҚ-680-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/5351631>
 2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/2006789>
 3. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сон қонуни. <https://www.lex.uz/acts/2004956>
 4. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси, <https://lex.uz/docs/4674902>
 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама
- International Journal of Finance and Digitalization*
Email: ijfd.uz@gmail.com

кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сон фармони,
<https://lex.uz/docs/3416134>

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сон қарори,
<https://www.lex.uz/acts/1727490>

7. Kosheleva N., Kosheleva A. The System of Taxation of Individual Entrepreneurs in the New Realities of Industrialization and Digitalization. SHS Web Conf. Volume 93, 2021, <https://doi.org/10.1051/shsconf/20219302015>

8. Золотерева И.Л. Совершенствование налогообложения индивидуального предпринимательства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -Москва, 2007. -стр 21.

9. Зотиков Н.З. Особенности налогообложения физических лиц в Германии. //Вестник Евразийской науки, 2020 №4, <https://esj.today/PDF/61ECVN420.pdf>

10. Митрюшкин Я.Ю. Совершенствование налогообложения индивидуальных предпринимателей в РФ. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2002.

11. Ниязметов И.М. Даромадларни солиққа тортиш тизимини унификациялаш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2018 йил.

12. Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: БМА, 2018. – 20 б.

13. Шахбанова С.Р. Совершенствование механизма налогового регулирования индивидуального предпринимательства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Махачкала, 2014.

14. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: БМА, 2018.- 70 б.

15. Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -Т.: БМА, 2018. – 20 б.